

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА БАРҚАРОР СТИЛИСТИК ФОРМУЛАЛАР (ЭПИК КЛИШЕЛАР)

Мирзамамитова Дилдора

2-курс магистранти, Адабиётшунослик ихтисослиги

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20227774>

Annotatsiya: Ушбу мақолада халқ достонларида учрайдиган барқарор стилистик формулалар, яъни эпик клишеларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари, поэтик вазифалари ва оғзаки ижод анъанасидаги ўрни таҳлил қилинган. Тадқиқотда эпик формулаларнинг қаҳрамон тавсифи, воқеалар ривожини, макон ва замон ифодаси ҳамда достон композициясини шакллантиришдаги аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, халқ бахшилари ижросида такрорий ифода воситалари хотирани мустаҳкамлаш, тингловчи диққатини жалб этиш ва миллий поэтик анъанани сақлашда муҳим омил экани асосланган. Мақолада ўзбек халқ достонлари мисолида эпик клишеларнинг тилшунослик ва фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўзига хос жиҳатлари ёритилиб, уларнинг халқ оғзаки ижоди тараққиётидаги ўрни илмий жиҳатдан баҳоланган.

Kalit so'zlar: клише, эпик, метрик, ритмик, вазн, банд, строфа, персонаж, достон, шеъринг тизимлари, ҳижо, бўғин

Халқ достонларида эпик клишеларнинг бўлиши достонлар шеърингидеги муҳим белгилардан ҳисобланади. Бу стилистик формулалар воқеалар баёни, персонажлар руҳий ҳолати ва хатти-ҳаракатининг тасвирлашда боғловчи ҳалқалик – эпик клишеларнинг вазифасини адо этади.

Маълумки, "Клише" атамаси асримиз бошларида илк бора француз тилшунослари томонидан қўлланилган бўлиб, "у тилдаги тайёр қолип ҳолга келиб қолган бирликлар" маъносини ифодалайди. Бундай клишелар мақол, матал, топишмоқ ва афоризмларда ҳам учраб туради. Ўзбек халқ достонлари шеърингидеги бундай клишеларнинг мавжудлиги уларнинг бадиий функциялари ҳақида кўпгина фольклоршунослар эътиборли фикрлар билдиришган.

Халқ эпик шеърингидеги эпик клишелар шеърингидеги фикрий оқимга ранг-баранг маъно ўзгаришлари киритиш орқали баён имкониятларини бойитади, персонажлар руҳияти, кайфиятидаги ўзгаришларни ифодалашга йўл очиқ беради, эпик баён учун метрик, ритмик ҳамда қофия учун меъёр яратиш орқали бадиҳагўйликка замин ҳозирлаб беради.

Эпик клишелар халқ достонлари шеърининг биринчи мисраларида қўлланилиб, ана шу шеъринг парчаннинг мазмунини англаштириш баробарида унга метрик, ритмик қолипнинг вазифасини ўтайди, бандларга қофияланиш тизимини белгилаб беради. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Равшан" достонидеги Кўсаннинг Равшанни сўроққа тутиши қуйидаги клише орқали олиб борилади:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин, Кўнгли суйса ёрнинг лаби бол бўлсин.

Демак, Кўсанинг Равшандан сўраб биладиган энг дастлабки мақсади қаёққа йўл олганлигини билишдан иборат. Шунинг учун у "ол" сўзини иккинчи мисрадаги "бол" сўзи билан қофиялайди.

Натижада, банднинг тўртинчи мисрасидаги қофия учун "йўл" сўзи қолади. Йўл сўзини ушбу бандда эпик вазият талаб қилмоқда. Қолаверса, кўсанинг сўрови ўн бир ҳижоли бармоқ вазнида ифодаланиши керак. Ҳам қофия ва у орқали вазият талабини, ҳам эпик шеър учун вазний ўлчовини белгилаб боришда эпик клишенинг роли бениҳоя каттадир. Юқоридаги эпик клише шеърий фикр оқимида қуйидаги мисраларни талаб этади:

Сенинг тарзинг бу элларга келмайди, Сўйлагин, ҳароми, сенга йўл бўлсин.

Кусанинг сўрови давом этар экан, унинг мақсадига қараб эпик клише ҳам ўзгариб боради. Масалан, Равшаннинг Зулхуморга келганлигини билиб олиш учун эпик клише ва ундаги қофияланувчи сўзнинг ўрни ҳам ўзгаради:

Майдон - майдон бедовингни елгансан, Ёш боласан, ширин жонинг бўлгансан. Сўйлагин, ҳароми, сенга йўл бўлсин? Мен билгимда Ҳуморжонга келгансан?

Эпик клишелар қаҳрамоннинг сафарда йўл босишини ифодаловчи шеърий парчаларда ҳам кенг қўлланган. Бунда шеърий парча етти ёки саккиз ҳижоли бармоқ вазнига эга бўлади. Масалан, "Далли" достонида Ҳасанхоннинг Даллини қидириб жазирама чўлда йўл босишини тасвирловчи эпик шеър шундай эпик клише билан бошланади:

Парвардигор паноди, Ҳолин билгин доноди. Гўрўғлидан дуо олиб, Ҳасан полвон жўнади.

Эпик қаҳрамоннинг тинмай йўл босишини ифодалашда эса қуйидагича эпик клишелар қўлланилган:

Ариқ тубинда андиз, Даре тубинда кундуз. Қистаб кетиб боради, Кеча демайди кундуз.

Эпик клишелар қўлланиш ўрни, вазияти еки монологнинг мақсадига қараб турлича грамматик шаклларда, ҳаттоки, синтактик шаклларда ҳам келиши мумкин. Масалан, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқандан ёзиб олинган "Гўрўғлининг туғилиши" достонидаги Холжувоннинг Райҳон арабга қараб айтган гаплари қуйидагича эпик клише билан бошланган:

Билдирайин билмаганнинг билмасанг, Шоҳ тўра, мақсадга еттин ўлмасанг.

Худди шу клишенинг ўзи шу дostonнинг бошқа бир ўрнида, бошқача синтактик қурилмада Гўрўғлининг чечаси Холжувонга қилган мурожаати шаклида қўлланилган:

Билмаганинг билдирайин билмасанг, Чечажон, мақсадга еттин ўлмасанг

Юқорида келтирилган мисолларда шу нарса маълумки, эпик клишелар бир воқеадан иккинчисига, бир руҳий ҳолатдан бошқасига ўтишда, персонажларнинг ўз руҳий ҳолатларини баён этишда мурватлик вазифасини ўтайдилар. Айрим дostonларда эшик клишелар катта ўрин тутаяди. Масалан

"Алпомиш" достонида "Ҳазон бўлмай боғда гуллар сўлдими? Сўлган гулга булбул келиб қўндими?" клишеси 25 жойда такрорланади ва вазиятта қараб воқеликка турлича тус беради.

Хулоса қилиб айтганда, халқ дostonлари шеърятига хос клишелилик белгиси бундай шеър типининг жуда ҳам қадимийлигидан, унинг турли вазиятларни ифодалалашга мос қолиплар кашф этганлигидан, худди мана шу эпик қолиплар нафақат ижро жараёни учун, балки устоз-шогирдлик муносабатларида шеърый матнни ёдлаб қолишда ҳам кўмак беришга мослашганлигидан далолат беради.

References: